**“Ангрен логистика маркази” АЖ акциядорларининг**
# ЙИЛЛИК УМУМИЙ ЙИҒИЛИШИ БАЁНИ

**Ўтказиш санаси:** 2021 йил 30 июнь.
**Ўтказиш жойи:** Тошкент вилояти, Ангрен шаҳри, Ипак йўли кўчаси, 1-уй, “Ангрен логистика маркази” АЖ маъмурий биноси.
**Ўтказиш вақти:** соат 11:00 да.

“Ангрен логистика маркази” АЖ Бош директори Б.Абдураимов “Ангрен логистика маркази” АЖ акциядорларининг йиллик умумий йиғилишини очиш учун акциядорларни рўйхатга олиш натижаларини, кворум бор-йўқлигини кўриб чиқиш лозимлигини таъкидлаб, сўзни санок комиссияси раиси М.З.Артыковга берди.

Саноқ комиссияси раиси М.З.Артыков “Ангрен логистика маркази” АЖ акциядорларининг йиллик умумий йиғилишида иштирок этиш ҳуқуқига эга бўлган акциядорларнинг акция эгалари реестрига асосан шакллантирилган рўйхати 2021 йил 24 июнь ҳолатига ёпилганлиги, рўйхатга 4 190 681 дона овоз бериш ҳуқуқига эга акцияларнинг эгалари бўлган 6 та акциядор киритилганлиги тўғрисида маълумот берди.

Саноқ комиссиясининг маълумотига асосан йиғилишга 3 375 881 дона овоз бериш ҳуқуқига эга акцияларнинг эгалари бўлган 2 та акциядор келган ва бу жами жойлаштирилган акцияларнинг 80,5 фоизини ташкил этади.

Акциядорларнинг йиллик умумий йиғилишини ўтказиш учун етарли кворум мавжуд.

Акциядорларнинг йиллик умумий йиғилишини ўтказиш учун етарли кворум мавжуд бўлганлиги сабабли акциядорларнинг йиллик умумий йиғилишини очиш тўғрисида таклиф билдирилди.

Таклиф овозга қўйилди.
Розилар – 100%
Қаршилар – йўқ
Бетарафлар – йўқ
Бир овоздан қабул қилинди.

Йиғилиш очиқ деб эълон қилинди.

**Йиғилишга таклиф қилинганлар:**

| | | |
|---|---|---|
| 1. | Б.Т.Абдураимов | “Ангрен логистика маркази” АЖ Бош директори |
| 2. | М.З.Артыков | “Ангрен логистика маркази” АЖ директори ўринбосари |
| 3. | Д.А.Ширматова | “Ангрен логистика маркази” АЖ бош бухгалтери |
| 4. | У.Т.Нурбоев | Тафтиш комиссияси раиси |
| 5. | Н.Н.Мусина | “Audit – varn” МЧЖ аудиторлик ташкилоти директори |

Б.Т.Абдураимов уч кишидан иборат Раёсат аъзоларини ва йиғилиш котибини қуйидаги таркибда сайлашни таклиф қилди:

А.Ж.Раматов – йиғилиш раиси
С.У.Таджиев - раёсат аъзоси

А.Б.Исмоилов - раёсат аъзоси
Т.А.Шодиева - йиғилиш котиби

Рўйхат бўйича овозга қўйилди.
Розилар – 100 %
Қаршилар – йўқ
Бетарафлар – йўқ
Бир овоздан қабул қилинди.

Қарор қилинди: Йиғилиш раёсати ва йиғилиш котиби таркиби тасдиқлансин.

**Акциядорларнинг навбатдаги йиллик умумий йиғилиши кун тартиби:**

| | |
|---|---|
| 1 | "Ангрен логистика маркази" АЖ санок комиссиясини тасдиқлаш тўғрисида. |
| 2 | "Ангрен логистика маркази" АЖ акциядорларининг йиллик умумий йиғилишини ўтказиш регламентини тасдиклаш тўғрисида. |
| 3 | "Ангрен логистика маркази" АЖ кузатув кенгашининг 2020 йил якунлари бўйича ҳисоботини тасдиклаш тўғрисида. |
| 4 | "Ангрен логистика маркази" АЖнинг 2020 йилдаги молиявий-хўжалик фаолияти якунлари бўйича аудиторлик ташкилотининг хулосасини тасдиклаш тўғрисида. |
| 5 | "Ангрен логистика маркази" АЖнинг 2020 йилдаги молиявий-хўжалик фаолияти якунлари бўйича текширув натижалари тўғрисида тафтиш комиссиясининг хулосасини тасдиклаш тўғрисида. |
| 6 | "Ангрен логистика маркази" АЖнинг 2020 йил учун йиллик молиявий аҳволи тўғрисидаги ҳисоботни, жамиятнинг фойда ва зарарини, бухгалтерия балансини тасдиқлаш тўғрисида. |
| 7 | "Ангрен логистика маркази" АЖнинг 2020 йил учун соф фойдасини тақсимлаш тўғрисида. |
| 8 | 2020 йил учун корпоратив бошқарув тизимини баҳолаш натижалари ва корпоратив бошқарув кодекси талаблари ижроси тўғрисидаги ҳисоботни тасдиқлаш тўғрисида. |
| 9 | "Ангрен логистика маркази" АЖ кузатув кенгашининг янги таркибини сайлаш тўғрисида. |
| 10 | "Ангрен логистика маркази" АЖ тафтиш комиссиясининг янги таркибини сайлаш тўғрисида. |
| 11 | Халкаро молиявий ҳисобот стандартларига мувофиқ мажбурий аудит текшируви ўтказиш учун аудиторлик ташкилотини ва унинг хизматларини молиялаштириш микдорини белгилаш тўғрисида. |
| 12 | "Ангрен логистика маркази" АЖ Бош директори билан тузилган меҳнат шартномаси муддатини акциядорларнинг 2021 йил якунлари бўйича ўтказиладиган навбатдаги йиллик умумий йиғилиш кунига кадар узайтириш тўғрисида. |
| 13 | Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 4 майдаги 266-сонли "Давлат иштирокидаги корхоналарнинг активларидан самарали фойдаланишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги карорини ижросини ташкиллаштириш ҳақида. |

**Кун тартибидаги масалалар бўйича:**

**1. Кун тартибидаги "Ангрен логистика маркази" АЖ санок комиссиясини тасдиқлаш тўғрисида" ги биринчи масала** юзасидан Б.Абдураимов сўзга чиқиб қуйидаги номзодларни санок комиссиясини қуйидаги таркибда тасдиқлашни таклиф қилди:

1. Имамов Умарали Солижанович
2. Нурбоев Улуғбек Тоштемирович
3. Артыков Мехриддин Зухриддинович

Шунингдек, сўзга чиқувчи акциядорларга акциядорларнинг йиллик умумий йиғилиши кун тартибидаги барча масалалар муҳокама килиб кўриб чиқилгандан кейин санок комиссиясига овоз бериш натижаларини ҳисоблаб чиқиш ва йиғилишда эълон килиш учун 15 дақиқа вакт беришни таклиф килди.

- Масала кўриб чиқиб овозга қўйилди, овоз беришингизни сўрайман.

**2. Кун тартибидаги "Ангрен логистика маркази" АЖ акциядорларининг йиллик умумий йиғилишини ўтказиш регламентини тасдиқлаш тўғрисида"ги иккинчи масала** юзасидан М.З.Артыков сўзга чиқиб, йиғилиш регламентини қуйидагича тасдиқлашни таклиф қилди:

- йиғилиш кун тартибидаги масалалар бўйича асосий маърузачиларга 15 дақиқагача, ҳар бир масала бўйича саволлар ва муҳокама учун 10 дақиқагача;
- муҳокама учун ҳар бир масаладан кейин сўзга чиқиш.

Б.Т.Абдураимов кун тартибидаги масалалар бўйича овоз бериш "бир овоз бериш ҳуқуқига эга акция – битта овоз" тамойили бўйича бюллетенлар орқали, Кузатув кенгаши аъзоларини сайлаш кумулятив овоз бериш йўли билан амалга оширилишини таъкидлади.

- Масала кўриб чиқиб овозга қўйилди, овоз беришингизни сўрайман.

**3. Кун тартибидаги "Ангрен логистика маркази" АЖ Кузатув кенгашининг 2020 йил якунлари бўйича ҳисоботини тасдиқлаш тўғрисида"ги учинчи масала** юзасидан А.Б.Исмоилов сўзга чиқиб, "Ангрен логистика маркази" АЖ Кузатув кенгашининг 2020 йил якунлари бўйича ҳисоботини ўқиб эшиттирди (ҳисобот илова қилинади).

Кузатув кенгашининг ҳисоботи эшитилгач, акциядорларга ҳисоботни маълумот учун қабул қилиш ва тасдиқлаш таклиф қилинди.

- Масала кўриб чикиб овозга қўйилди, овоз беришингизни сўрайман.

**4. Кун тартибидаги "Ангрен логистика маркази" АЖнинг 2020 йилдаги молиявий-хўжалик фаолияти якунлари бўйича аудиторлик ташкилотининг хулосасини тасдиқлаш тўғрисида"ги тўртинчи масала** юзасидан Н.Н.Мусина сўзга чиқиб, "Ангрен логистика маркази" АЖнинг 2020 йилдаги молиявий-хўжалик фаолияти якунлари бўйича аудиторлик ташкилотининг хулосаси билан таништирди (хулоса илова қилинади).

Аудиторлик текшируви натижалари бўйича "Ангрен логистика маркази" АЖнинг молиявий ҳисоботида унинг молиявий ҳолати ва молиявий-хўжалик

амалиётлари Ўзбекистон Республикаси конунчилиги талабларига ва Халкаро молиявий ҳисобот стандартларига мос келиши тўғрисида аудиторлик хулосаси берилган.

Д.А.Ширматова "Ангрен логистика маркази" АЖнинг 2020 йилдаги молиявий-хўжалик фаолияти якунлари бўйича Халқаро молиявий ҳисобот стандартларига мувофик ўтказилган Аудиторлик текшируви натижалари бўйича берилган аудиторлик ташкилотининг хулосасини тасдиқлаш тўғрисида таклиф киритди.

■ Масала кўриб чикиб овозга қўйилди. овоз беришингизни сўрайман.

**5. Кун тартибидаги "Ангрен логистика маркази" АЖнинг 2020 йилдаги молиявий-хўжалик фаолияти якунлари бўйича текширув натижалари тўғрисида тафтиш комиссиясининг хулосасини тасдиқлаш тўғрисида"ги бешинчи масала** юзасидан У.Т.Нурбоев сўзга чиқиб, Тафтиш комиссиясининг хулосаси билан таништирди (хулоса илова қилинади).

Тафтиш комиссияси хулосасида "Ангрен логистика маркази" АЖнинг 2020 йил учун молиявий ҳисоботида молиявий-хўжалик фаолияти бўйича амалга оширилган кўрсаткичлар ҳаққоний акс эттирилганлиги кўрсатиб ўтилган.

"Ангрен логистика маркази" АЖнинг 2020 йилдаги молиявий-хўжалик фаолияти якунлари бўйича текширув натижалари тўғрисида тафтиш комиссиясининг хулосасини тасдиқлаш тўғрисида таклиф киритилди.

■ Масала кўриб чикиб овозга қўйилди. овоз беришингизни сўрайман.

**6. Кун тартибидаги "Ангрен логистика маркази" АЖнинг 2020 йил учун йиллик молиявий аҳволи тўғрисидаги хисоботни, жамиятнинг фойда ва зарарини, бухғалтерия балансини тасдиқлаш тўғрисида"ги олтинчи масала** юзасидан Б.Т.Абдураимов сўзга чиқиб. "Ангрен логистика маркази" АЖнинг 2020 йил учун йиллик молиявий аҳволи тўғрисидаги ҳисобот билан таништирди (ҳисобот илова қилинади).

■ Масала кўриб чикиб овозга қўйилди, овоз беришингизни сўрайман.

**7. Кун тартибидаги "Ангрен логистика маркази" АЖнинг 2020 йил учун соф фойдасини тақсимлаш тўғрисида"ги еттинчи масала** юзасидан Д.А.Ширматова сўзга чиқиб, "Ангрен логистика маркази" АЖнинг 2020 йил якунлари бўйича соф фойдаси 78 100 минг сўмни ташкил қилганлигини маълум қилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 15 апрелдаги ПҚ-4679-сонли "Коронавирус пандемияси даврида Ўзбекистон Республикаси давлат бюджети барқарорлигини таъминлаш ва биринчи навбатдаги тадбирларни ўз вақтида молиялаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарорига асосан давлат корхоналари ҳамда устав капиталида 50 фоиз ва ундан ортиқ давлат улуши мавжуд бўлган юридик шахсларға 2020 йилда олинадиган соф фойда бўйича давлат улушига ҳисобланган дивидендларни тўлалигича Давлат бдюжетига ўтказиш юзасидан тегишли чоралар кўриш бўйича вазифалар белгиланган.

"Ўзбекистон темир йўллари" АЖ 2021 йил 23 июнь куни 01/2276-21-сонли хат билан 2020 йил якуни бўйича олинган соф фойданинг 50 фоизидан кам бўлмаган микдорда дивидентга ажратиш масаласини кўриб чиқишни сўраган.

Б.Т.Абдураимов кузатув кенгаши аъзоларига “Ангрен логистика маркази” АЖнинг устав капиталида 1,44 фоиз давлат улиши мавжудлиги, 2021 йил 25 январь куни Ўзбекистон Республикаси Давлат активларини бошқариш агентлигининг Тошкент вилояти ҳудудий бошқармаси томонидан жамиятнинг 2020 йил якунлари бўйича бухгалтерия баланси ва молиявий натижалари тўғрисидаги ҳисоботларини таҳлилий кўриб чиқиш натижасида жамият тўлов қобилиятини йўқотганлиги, айланма маблағларга эга эмаслиги аниқланганлиги тўғрисида берган 02/04187-сонли хатини инобатга олиб, “Ангрен логистика маркази” АЖнинг 2020 йилдаги молиявий-хўжалик фаолияти якунлари бўйича 78 100 минг сўм соф фойдасини қуйидагича тақсимлашни таклиф қилди:

- соф фойданинг 5 фоизини ташкил қилган 3 905 минг сўмлик қисмини “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 32-моддасига асосан жамиятнинг захира фондига ўтказиш;
- соф фойданинг 95 фоизини ташкил қилган 74 195 минг сўмлик қисмини жамиятнинг молиявий ночор аҳволдалигини ҳисобга олиб уни ривожлантиришга йўналтириш.

■ Масала кўриб чиқиб овозга қўйилди, овоз беришингизни сўрайман.

**8. Кун тартибидаги 2020 йил учун корпоратив бошқарув тизимини баҳолаш натижалари ва корпоратив бошқарув кодекси талаблари ижроси тўғрисидаги ҳисоботни тасдиқлаш тўғрисида”ги саккизинчи масала** юзасидан Н.Н.Мусина сўзга чиқиб, 2016 йилда Жамият томонидан “Корпоратив бошқарув кодекси” жорий этиш тўғрисида қарор қабул қилинганлиги, 2020 йил учун “Ангрен логистика маркази” АЖда корпоратив бошқарув тизимини баҳолаш ўтказилганлиги, “Ангрен логистика маркази” АЖнинг бу борадаги фаолияти паст даражада эканлигини айтиб ўтди ва “Ангрен логистика маркази” АЖнинг 2020 йилдаги корпоратив бошқарув тизимини баҳолаш бўйича фаолиятини паст даражада деб топиш тўғрисида таклиф киритди.

■ Масала кўриб чиқиб овозга қўйилди, овоз беришингизни сўрайман.

**9. Кун тартибидаги “Ангрен логистика маркази” АЖ Кузатув кенгашининг янги таркибини сайлаш тўғрисида”ги тўққизинчи масала** юзасидан Б.Т.Абдураимов сўзга чиқиб, “Ангрен логистика маркази” АЖ Кузатув кенгашининг янги таркибига қуйидаги номзодларни бир йил муддатга сайлаш тўғрисида таклиф киритиб, овоз бериш кумулятив тарзда ўтказилишини айтиб ўтди:

| | | |
|---|---|---|
| 1 | Раматов Ачилбой Жуманиязович | Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари |
| 2 | Кучкаров Джамшид Анварович | Ўзбекистон Республикаси Иктисодий тараккиёт ва камбағалликни қисқартириш вазири |
| 3 | Султанов Дилшод Шухратович | Ўзбекистон Республикаси Молия вазирининг ўринбосари |
| 4 | Умурзаков Сардор Уктамович | Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар ва ташқи савдо вазири |
| 5 | Махкамов Илхом Рустамович | Ўзбекистон Республикаси Транспорт вазири |

| | | |
|---|---|---|
| 6 | Хасилов Хуснутдин Нуритдинович | “Ўзбекистон темир йўллари” АЖ Бошқарув раиси |
| 7 | Файзиев Зафар Омонович | “Ўзбекозиқовкатзахира” уюшмаси раиси |
| 8 | Мирзамахмудов Жўрабек Турсунпулатович | “Ўзкимёсаноат” АЖ Бошқарув раиси |
| 9 | Хайдаров Илхом Уткурович | “Ўзтўқимачиликсаноат” уюшмаси раиси |
| 10 | Маҳмудов Шукурулло Насимхонович | Ангрен шаҳар ҳокими |
| 11 | Абдувалиев Абдурахмон Абдулхаевич | Ўзбекистон Республикаси Транспорт вазирлиги ҳузуридаги Автомобиль йўллари қўмитаси раиси |
| 12 | Таджиев Сардор Убайдуллаевич | “Ўзавтосаноат” АЖ Бошқарув раисининг ўринбосари |
| 13 | Турсунов Жамшид Юнусович | Ҳудудларни комплекс ривожлантириш, коммуникациялар, қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги масалалари котибиятининг автомобиль йўлларини ва автомобиль транспортини ривожлантириш масалалари бўйича бош мутахассиси |
| 14 | Икрамов Азизбек Исроилович | Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирининг ўринбосари |
| 15 | Абдуллаев Мехриддин Раззокович | “Ўзбекнефтегаз” АЖ Бошқарув раиси |
| 16 | Исмаилов Акрамжон Базарбаевич | “Фарғонаазот” АЖнинг логистика бошқармаси бошлиғи |
| 17 | Галстян Артур Артурович | “Фарғонаазот” АЖнинг юрист маслаҳатчиси |
| 18 | Азимов Олимжон Нуъмонжон ўғли | “Фарғонаазот” АЖнинг ишлаб чиқариш харажатларини таҳлил қилиш, стратегик режалаштириш, таннархни қисқартириш ва ресурсларни тежаш бошқармаси бошлиғи |
| 19 | Тоирбеков Камол Қилизбекович | Ўзбекистон Республикаси Давлат активларини бошқариш агентлиги Тошкент вилоят ҳудудий бошқармаси бошлиғи ўринбосари |
| 20. | Шарипов Зафар Зариф ўғли | Ўзбекистон Республикаси Давлат активларини бошқариш агентлиги Тошкент вилоят ҳудудий бошқармасининг бўлими бошлиғининг ўринбосари |
| 21. | Хайдаров Алишер Юсуфжонович | Ўзбекистон Республикаси Давлат активларини бошқариш агентлиги Тошкент вилоят ҳудудий бошқармасининг бош мутахассиси |
| 22. | Жуланов Камол Жуланович | Ўзбекистон Республикаси Давлат активларини бошқариш агентлиги |

| | | |
|---|---|---|
| | | Тошкент вилоят ҳудудий бошқармасининг етакчи мутахассиси |

■ Масала кўриб чикиб овозга қўйилди, овоз беришингизни сўрайман.

**10. Кун тартибидаги “Ангрен логистика маркази” АЖ тафтиш комиссиясининг янги таркибини сайлаш тўғрисида”ги ўнинчи масала** юзасидан Б.Т.Абдураимов сўзга чиқиб, “Ангрен логистика маркази” АЖ Тафтиш комиссияси таркибига қуйидаги номзодларни бир йил муддатга сайлаш тўғрисида таклиф киритди:

1. Сайфуллаев Фаррух Саъдулла ўғли
2. Алиев Муҳаммад Давлатбек ўғли
3. Нурбоев Улуғбек Тоштемирович

■ Масала кўриб чикиб овозга қўйилди, овоз беришингизни сўрайман.

**11. Кун тартибидаги Халқаро молиявий ҳисобот стандартларига мувофиқ мажбурий аудит текшируви ўтказиш учун аудиторлик ташкилотини ва унинг хизматларини молиялаштириш миқдорини белгилаш тўғрисида”ги ўн биринчи масала** юзасидан Д.А.Ширматова сўзга чиқиб, жамиятнинг 2021 йилдаги фаолияти юзасидан халқаро молиявий ҳисобот стандартларига мувофиқ мажбурий аудит текшируви ўтказиш бўйича қуйидаги аудиторлик ташкилотларидан тижорат таклифлари келиб тушганлигини маълум қилди:

1. “Audit-Varn” МЧЖ контракт суммаси 6 325 000 сўм.
2. “Balans-inform-audit” МЧЖ контракт суммаси 15 000 000 сўм.

Д.Ширматова жамиятнинг 2021 йилдаги фаолияти юзасидан халқаро молиявий ҳисобот стандартларига мувофиқ мажбурий аудит текширувини ўтказиш учун “Audit-Varn” МЧЖ аудиторлик ташкилотини танлаш, контракт суммасини 6 325 000 сўм қилиб белгилаш тўғрисида таклиф киритди.

■ Масала кўриб чикиб овозга қўйилди, овоз беришингизни сўрайман.

**12. Кун тартибидаги “Ангрен логистика маркази” АЖ Бош директори билан тузилган меҳнат шартномаси муддатини акциядорларнинг 2021 йил якунлари бўйича ўтказиладиган навбатдаги йиллик умумий йиғилиш кунига қадар узайтириш тўғрисида”ги ўн иккинчи масала** юзасидан А.Б.Исмаилов сўзга чиқиб, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 24 апрелдаги “Акциядорлик жамиятларида замонавий корпоратив бошқарув услубларини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармонига асосан жамият ижроия органи раҳбарини тайинлаш коида тарикасида танлов асосида амалга оширилиши тўғрисида таъкидлади.

2021 йил 19 январь куни “Ангрен логистика маркази” АЖ томонидан жамият акциядорларига жамият Бош директори лавозимига номзодларнинг рўйхатини тасдиқлаш ва танлов ўтказиш масаласини кўриб чиқиш мақсадида LC/09-сонли хат билан мурожаат этилиб, “Ангрен логистика маркази” АЖ Бош директори лавозимига номзодларни тавсия этишни сўралган.

Акциядорлар томонидан “Ангрен логистика маркази” АЖ Бош директори лавозимига номзодлар тавсия этилмаган.

"Ангрен логистика маркази" АЖ Бош директори Б.Т.Абдураимов билан тузилган меҳнат шартномасини 2021 йил якунлари бўйича ўтказиладиган акциядорларнинг навбатдаги йиллик умумий йиғилиши кунига қадар, лекин бир йилдан ошмаган муддатга узайтириш, унинг ойлик иш ҳақини 6 650 514,31 сўм қилиб белгилаш тўғрисида таклиф киритилди.

Масала кўриб чиқиб овозга қўйилди, овоз беришингизни сўрайман.

**13. Кун тартибидаги Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 4 майдаги 266-сонли "Давлат иштирокидаги корхоналарнинг активларидан самарали фойдаланишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарорини ижросини ташкиллаштириш ҳақида"ги ўн учинчи масала** юзасидан Б.Т.Абдураимов сўзга чиқиб, мазкур қарорнинг 2-бандида Давлат активларини бошқариш агентлигига давлат мулки сифатида баланс қийматида ўтказиладиган ва кейинчалик оммавий савдолар орқали сотиладиган объектлар рўйхати 1-иловага мувофиқ тасдиқланганлиги, унда "Ангрен логистика маркази" АЖнинг "Махсус юк терминали" участкаси, контейнерли юкларни ортиб-тушириш майдони ва ошхона биноси киритилганлиги, устав капиталидаги акция пакетлари (улушлари) давлат бошқаруви органлари, маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари ва хўжалик жамиятларига баланс қийматида ўтказиладиган ташкилотлар рўйхати 3-иловага мувофиқ тасдиқланганлиги, унда "Ангрен логистика маркази" АЖ устав фондидаги "Ўзбекистон темир йўллари" АЖнинг 17,53% улушини Ўзбекистон Республикаси Давлат активларини бошқариш агентлигига бериш кўзда тутилганлигини қайд этди.

Қарорнинг 1-иловасига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Давлат активларини бошқариш агентлигига ўтказилган объектларни сақлаш харажатлари улар сотилгунига қадар объектни топширган балансда сақловчи ташкилотлар томонидан амалга оширилиши, қарорнинг 1 ва 3-иловаларида назарда тутилган ташкилотлар устав капиталидаги давлат ҳамда хўжалик жамиятлари улуши улар томонидан топширилган активларнинг сотилган қийматига камайтирилиши, бунда сотилган қиймат баланс қийматидан юқори бўлган тақдирда, давлат ва хўжалик жамияти улушлари баланс қиймати миқдорига камайтирилиши, объектлар уларни балансда сақловчи ташкилотлар томонидан белгиланган тартибда ўтказилган хатлов натижаси бўйича Ўзбекистон Республикаси Давлат активларини бошқариш агентлиги, давлат бошқаруви органлари ҳамда маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органларига топширилиши, Ўзбекистон Республикаси Давлат активларини бошқариш агентлигига ўтказиладиган актив белгиланган тартибда баҳоланиши ва савдога чиқарилиши белгиланган.

Ўзбекистон Республикаси Давлат активларини бошқариш агентлиги 2021 йил 12 майдаги 01/08-17-729-сонли хат билан мурожаат қилиб, унда "Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 59, 75 ва 79-моддаларига асосан жамият мол-мулкларини бегоналаштириш (сотиш, ўтказиб бериш) масаласи жамият бошқарув органлари (акциядорлар умумий йиғилиши, кузатув кенгаши ва ижроия органи)нинг қарорларига асосан амалга оширилиши белгиланганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 4 майдаги 266-сонли қарори ижросини таъминлаш мақсадида, жамият бошқарув органлари йиғилишларида қарорнинг 1-3-иловаларида назарда тутилган активларни белгиланган тартибда топшириш масаласини жорий йилнинг 15 июнига қадар

кўриб чиқиб, топшириш қабул-қилиш далолатномаларини расмийлаштиришни ва ўз навбатида мазкур қарорга киритилган жамиятга тегишли бўлган объектларни бутлигини таъминлаш ва бегоналаштирмаслик (сотиш, гаровга бериш) чораларини кўришни сўралган.

Б.Т.Абдураимов қарорнинг 1-иловасида қайд этилган "Ангрен логистика маркази" АЖнинг балансида 2021 йил 1 июнь ҳолатига асосий воситалар мавжуд эмаслиги, контейнерли юкларни ортиб-тушириш майдони ва ошхона биноси жамиятнинг устав фондида 100% улуши бўлган "Махсусюктранс" МЧЖнинг балансида эканлиги, 2019 йил 1 апрель кунидан "Масъулияти чекланган ҳамда қўшимча масъулиятли жамиятлар тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 51-моддасига асосан "Транзит юк терминали" МЧЖни "Махсусюктранс" МЧЖ бирлаштирилганлиги, "Махсусюктранс" МЧЖ "Транзит юк терминали" МЧЖнинг ҳуқуқий меросхўри ҳисобланиши, собиқ "Транзит юк терминали" МЧЖнинг солиқ олдидаги қарздорлиги эвазига, унинг "Махсус юк терминали" участкаси Мажбурий ижро бюроси Ангрен шаҳар бўлимининг 2018 йил 15 ноябрдаги 10-26925-6/18-сонли қарорига асосан "MASTER ESTIMATION" МЧЖ томонидан 2018 йил 9 ноябрда бозор баҳосида баҳоланиб, "E-IJRO AUKSION" оператори томонидан бошланғич савдо нархи 40 452 754 000 сўм миқдорида аукцион савдосига чиқарилганлиги, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 15 февралдаги "Прокуратура органларининг қабул қилинаётган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ижросини таъминлашдаги фаолияти самарадорлигини ошириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги 5343-сонли Фармони билан ушбу Низомнинг 48-банди, 2-хатбошисига асосан баҳоланган қийматининг 50% га етгунга қадар мол-мулк нархни тушириб бориш тамойилида ўтказиладиган такрорий электрон онлайн-аукцион савдосига чиқарилганлиги, 2019 йил 16 июль куни "E-IJRO AUKSION" оператори, "Электрон онлайн аукционларни ташкил этиш маркази" ДУК томонидан 0086685 лот бўйича "INTISOAR NEAR" МЧЖга бошланғич нархининг 50 фоиз миқдорида, яъни 20 226 287 000 сўмга сотилганлиги ва "INTISOAR NEAR" МЧЖга 2019 йил 12 декабрь куни кадастр ҳужжатлари ва эгалик қилиш ҳуқуқи расмийлаштириб берилганлиги тўғрисида маълум қилди.

Баҳоловчи ташкилот "MASTER ESTIMATION" МЧЖнинг дала шароитида собиқ "Транзит юк терминали" МЧЖнинг "Махсус юк терминали" участкасида жойлашган бино-иншоотларини рўйхатини собиқ "Транзит юк терминали" МЧЖ ва Мажбурий ижро бюроси Ангрен шаҳар бўлими давлат ижрочилари билан бирга инвентаризация қилмасдан нохолисона баҳолаши оқибатида жамият мулкининг, яъни "Ишлаб чиқариш ва турар жой" мол-мулкларни қасддан тушуриб қолдириши оқибатида собиқ "Транзит юк терминали" МЧЖнинг ҳуқуқий меросхўри "Махсусюктранс" МЧЖ манфаатига жудда кўп миқдорда зарар келтиришига олиб келган.

"Ангрен логистика маркази" АЖ томонидан Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасига 2020 йил 23 декабрь куни LC/84-сонли хат билан мурожаат қилиб, унда:

- Ўзбекистон Республикаси Давлат мулкини бошқариш давлат қўмитасининг "Ўзбекистон Республикаси мулкни баҳолаш миллий стандарти (8-сон МБМС) "Хусусийлаштириш мақсадида мулк қийматини баҳолаш"ни тасдиқлаш ҳақида" қарорининг 70-бандида "Баҳолаш объектининг 8-сон МБМС талабларига мувофиқ тузилган баҳолаш тўғрисидаги ҳисоботда кўрсатилган

якуний қийматидан, агар баҳолаш ҳақидаги ҳисобот тузилган санадан баҳолаш объектини хусусийлаштириш мақсадида унинг бошланғич нархи тайинланган санагача 6 ойдан ортиқ вақт ўтмаган бўлса, хусусийлаштириш мақсадида фойдаланилиши мумкинлиги кўрсатиб ўтилганлиги муносабати билан "Махсус юк терминали" участкаси бозор баҳосида баҳолангандан 8 ой муддат ўтгач, 2019 йил 16 июль куни "E-IJRO AUKSION" оператори, "Электрон онлайн аукционларни ташкил этиш маркази" ДУК томонидан уч маротаба такроран бошланғич нархининг 50 фоизи миқдорида аукцион савдосига чиқарилиши натижасида 0086685 лот бўйича "INTISOAR NEAR" МЧЖга сотилиши ҳолати юзасидан "Электрон онлайн аукционларни ташкил этиш маркази" ДУК мансабдор шахсларини, Мажбурий ижро бюроси Ангрен шаҳар бўлимини давлат ижрочиларининг ҳаракати ва ҳаракатсизлигига ҳуқуқий баҳо беришни;

- баҳолаш ҳисоботида "Махсус юк терминали" участкасидаги бино ва иншоотларнинг умумий майдони 39 140,62 кв.м кўрсатилган бўлсада, электрон-онлайн аукцион натижалари тўғрисидаги ОА 1016-000090-сонли баённомада бино-иншоотларнинг майдони 47 906,3 кв.м кўрсатилганлиги, яъни бино-иншоотларнинг фойдаланиш майдони умумий майдонидан 8 765,68 кв.м га кўп кўрсатилганлиги муносабати билан электрон-онлайн аукцион натижалари тўғрисидаги ОА 1016-000090-сонли баённомани қонуний кучга эга ёки эга эмаслиги тўғрисидаги масаласини кўриб чиқишни;

- собиқ "Транзит юк терминали" МЧЖнинг "Махсус юк терминали" участкасида жойлашган баҳоланадиган бино-иншоотларни рўйхатини, ер кадастр ҳужжатини, жамият балансида борлигини тасдиқловчи бухгалтерия маълумотномасини собиқ "Транзит юк терминали" МЧЖдан олмасдан "MASTER ESTIMATION" МЧЖ билан жойига чиқиб, бино-иншоотларни хатлов(инвентаризация)дан ўтказмасдан мол-мулкни нохолисона баҳоланишига йўл қўйганлиги, белгиланган тартибда бошқа баҳоловчи ташкилот билан шартнома асосида баҳолаш тўғрисидаги ҳисобот ишончлилиги тўғрисида эксперт хулосаси олмаганлиги учун баҳоланмасдан "Махсус юк терминали" участкасида қолиб кетган бино-иншоотларни 2019 йил 16 июль куни "E-IJRO AUKSION" оператори, "Электрон онлайн аукционларни ташкил этиш маркази" ДУКнинг 0086685 лот бўйича ғолиб бўлган "INTISOAR NEAR" МЧЖга электрон-онлайн аукцион натижалари тўғрисида расмийлаштирилган ОА 1016-000090-сонли баённомага асосланиб Мажбурий ижро бюроси Ангрен бўлими томонидан топшириш-қабул қилиш далолатномаси билан "INTISOAR NEAR" МЧЖга асосиз топширган, "INTISOAR NEAR" МЧЖга эгалик ҳуқуқини ва ер кадастр ҳужжаларини қайта расмийлаштирилиши натижасида собиқ "Транзит юк терминали" МЧЖнинг ҳуқуқий меросхўри "Махсусюктранс" МЧЖ манфаатига жудда кўп миқдорда зарар етказилишига сабабчи бўлган Мажбурий ижро бюроси Ангрен шаҳар бўлими давлат ижрочиларининг ҳаракати ва ҳаракатсизлигига ҳуқуқий баҳо бериш учун хизмат текшируви ўтказишни;

- 2020 йил 10 февраль кунидаги Тошкент туманлараро иқтисодий судининг 4-1001-1921/30871-сонли иш бўйича "MASTER ESTIMATION" МЧЖнинг 2018 йил 9 ноябрдаги P326-18-сонли "TRANZIT YUK TERMINALI" МЧЖнинг ("Махсус юк терминали" участкаси) умумий майдони 39 140,62 кв.м бўлган бино ва иншоотларини баҳолаш тўғрисидаги ҳисоботи ишончлилигини текшириш юзасидан экспертиза тайинлаган суд ажримига асосан 2020 йил 9 март куни "Baholash va Konsalting Markazi" МЧЖ томонидан Тошкент туманлараро

иқтисодий судига “MASTER ESTIMATION” МЧЖнинг 2018 йил 9 ноябрдаги Р326-18-сонли баҳолаш тўғрисидаги ҳисоботини ҳаққоний эмас деб 2/Э-2020-сонли берган экспертиза хулосасини, шунингдек 2020 йил 14 май куни Тошкент туманлараро иқтисодий суди 4-1001-1921/30871-сонли иш бўйича баҳолаш объектини баҳолашдан ўтказиш материаллари бўйича эксперт комиссияси хулосасини олиш учун экспертиза тайинлаган суд ажримига асосан эксперт комиссияси 2020 йил 29 октябрь куни Тошкент туманлараро иқтисодий судига баҳсли вазиятларда баҳоланувчи объектларни баҳолаш материалларини экспертизадан ўтказиш бўйича 13-сонли экспертиза хулосасини тақдим этганлиги, хулосада “MASTER ESTIMATION” МЧЖнинг 2018 йил 9 ноябрь куни ўтказган Р326-18-сонли баҳолаш ҳисоботини ҳаққоний эмас, “Baholash va Konsalting Markazi” МЧЖнинг 2020 йил 9 мартдаги 2/Э-2020-сонли эксперт хулосасини ҳаққоний деб топилганлигини инобатга олиб, баҳоловчи ташкилот “MASTER ESTIMATION” МЧЖнинг дала шароитида собиқ “Транзит юк терминали” МЧЖнинг “Махсус юк терминали” участкасида жойлашган бино-иншоотларини Мажбурий ижро бюроси Ангрен шаҳар бўлими давлат ижрочилари билан бирга хатлов (инвентаризация) қилмасдан нохолисона баҳолаганлиги, жамият мулкининг, яъни “Ишлаб чиқариш ва турар жой” мол-мулкларни аксарият қисмини баҳолаш ҳисоботидан тушуриб қолдирганлиги, ушбу мулкни 2019 йил 16 июль куни “E-IJRO AUKSION” оператори, “Электрон онлайн аукционларни ташкил этиш маркази” ДУКнинг 0086685 лот бўйича ғолиб бўлган “INTISOAR NEAR” МЧЖга электрон-онлайн аукцион савдоси орқали сотилиб, “INTISOAR NEAR” МЧЖга эгалик ҳуқуқини ва ер кадастр ҳужжаларини қайта расмийлаштирилиши натижасида собиқ “Транзит юк терминали” МЧЖнинг ҳуқуқий меросхўри “Махсусюктранс” МЧЖ манфаатига жуда кўп миқдорда зарар келтирилишига олиб келганлиги учун “MASTER ESTIMATION” МЧЖнинг мансабдор шахсларига нисбатан Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг тегишли моддалари билан жиноят иши қўзғатиш масаласини кўриб чиқишни;

- 2018 йил 23 май куни собиқ “Транзит юк терминали” МЧЖ ва Тошкент вилояти Ер тузиш ва кўчмас мулк кадастри давлат корхонаси Оҳангарон туман филиали ўртасида ўзаро тузилган № II-8/1368-сонли шартнома бўйича собиқ “Транзит юк терминали” МЧЖнинг “Махсус юк терминали” участкасига “Кўчмас мулк объектига кадастр йиғма жилди” нотўғри расмийлаштирилганлиги ҳолати юзасидан Тошкент вилоят Ер тузиш ва кўчмас мулк кадастри давлат корхонаси Оҳангарон туман филиали ходимларини ҳаракати ва ҳаракатсизлигига ҳуқуқий баҳо беришни;

Оҳангарон туман ҳокимлигига нотўғри расмийлаштирилган “Кўчмас мулк объектига кадастр йиғма жилди”га асосланиб Оҳангарон туман ҳокими томонидан 2018 йил 23 октябрь кунги қабул қилинган 2225-сонли “Оҳангарон тумани “Марказий қўрғон” МФЙ, Ипак йўли кўчаси 1-уйда жойлашган собиқ “Транзит юк терминали” МЧЖ фойдаланувида бўлган “Нотурар жой” бино-иншоотларига мулкка нисбатан эгалик қилиш ҳуқуқини белгилаш, давлат рўйхатидан ўтказиш тўғрисида”ги қарорини ва Тошкент вилоят Ер тузиш ва кўчмас мулк кадастри давлат корхонаси Охангарон туман филиали томонидан 2018 йил 25 октябрь куни берилган T0 0319225-сонли “Бинолар, иншоотлар ва кўп йиллик дарахтларга бўлган ҳуқуқнинг давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисида”ги ГУВОХНОМАни бекор қилиш масаласини назорат тартибида кўриб чиқиб протест критишни сўраб мурожаат қилинган.

Бугунги кунда Ангрен шаҳар прокуратураси томонидан мурожаат юзасидан текшириш ишлари амалга оширилиб, тааллуқлилиги бўйича иқтисодий ва маъмурий судларда "Махсусюктранс" МЧЖ томонидан киритилган даъво аризалари кўриб чиқилмоқда.

Б.Т.Абдураимов шу муносабат билан қарорнинг 1-иловасида қайд этилган контейнерли юкларни ортиб-тушириш майдони ва ошхона биносини белгиланган тартибда "Махсусюктранс" МЧЖнинг устав фондидаги "Ангрен логистика маркази" АЖнинг улишини камайтириш ҳисобига Ўзбекистон Республикаси Давлат активларини бошқариш агентлигига давлат мулки сифатида ўтказиш, жамиятдаги давлат ва хўжалик жамияти улушларини баланс қиймати миқдорига камайтириш, уларга тегишли акцияларни баланс қийматида айрбошлаш мақсадга мувофиқлиги тўғрисида фикр-мулоҳаза билдирди ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 4 майдаги 266-сонли "Давлат иштирокидаги корхоналарнинг активларидан самарали фойдаланишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарорини маълумот ва ижро учун қабул қилиш тўғрисида таклиф киритди.

■ Масала кўриб чиқиб овозга қўйилди, овоз беришингизни сўрайман.

**ҚАРОР ҚИЛИНДИ:**

**1. Кун тартибидаги "Ангрен логистика маркази" АЖ саноқ комиссиясини тасдиқлаш тўғрисида" ги биринчи масала** юзасидан:

Ушбу қарор учун овоз берилди:
Розилар – 3 375 881 та овоз, 100%
Қаршилар – йўқ
Бетарафлар –йўқ

Саноқ комиссияси қуйидаги таркибда тасдиқлансин:
1. Имамов Умарали Солижанович
2. Нурбоев Улуғбек Тоштемирович
3. Артыков Мехриддин Зухриддинович

**2. Кун тартибидаги "Ангрен логистика маркази" АЖ акциядорларининг йиллик умумий йиғилишини ўтказиш регламентини тасдиқлаш тўғрисида"ги иккинчи масала** юзасидан:

Ушбу қарор учун овоз берилди:
Розилар – 3 375 881 та овоз, 100%
Қаршилар – йўқ
Бетарафлар –йўқ

Йиғилиш регламентини қуйидагича тасдиқлансин:

- йиғилиш кун тартибидаги масалалар бўйича асосий маърузачиларга 15 дақиқагача, ҳар бир масалда бўйича саваллар ва муҳокама учун 10 дақиқагача;
- муҳокама учун ҳар бир масаладан кейин сўзга чиқиш таклифи маъқуллансин.

**3. Кун тартибидаги “Ангрен логистика маркази” АЖ кузатув кенгашининг 2020 йил якунлари бўйича ҳисоботини тасдиқлаш тўғрисида”ги учинчи масала** юзасидан:

Ушбу қарор учун овоз берилди:
Розилар – 3 375 881 та овоз, 100%
Қаршилар – йўқ
Бетарафлар –йўқ

Қарор қилинди: Кузатув кенгашининг ҳисоботи маълумот учун қабул қилинсин ва тасдиқлансин.

**4. Кун тартибидаги “Ангрен логистика маркази” АЖнинг 2020 йилдаги молиявий-хўжалик фаолияти якунлари бўйича аудиторлик ташкилотининг хулосасини тасдиқлаш тўғрисида” ги тўртинчи масала** юзасидан:

Ушбу қарор учун овоз берилди:
Розилар – 3 375 881 та овоз, 100%
Қаршилар – йўқ
Бетарафлар –йўқ

Қарор қилинди: “Ангрен логистика маркази” АЖнинг 2020 йилдаги молиявий-хўжалик фаолияти якунлари бўйича Халқаро молиявий ҳисобот стандартларига мувофиқ ўтказилган аудиторлик текшируви натижалари бўйича берилган аудиторлик ташкилотининг хулосаси тасдиқлансин.

**5. Кун тартибидаги “Ангрен логистика маркази” АЖнинг 2020 йилдаги молиявий-хўжалик фаолияти якунлари бўйича текширув натижалари тўғрисида тафтиш комиссиясининг хулосасини тасдиқлаш тўғрисида”ги бешинчи масала** юзасидан:

Ушбу қарор учун овоз берилди:
Розилар – 3 375 881 та овоз, 100%
Қаршилар – йўқ
Бетарафлар –йўқ

Қарор қилинди: “Ангрен логистика маркази” АЖнинг 2020 йилдаги молиявий-хўжалик фаолияти якунлари бўйича текширув натижалари тўғрисида тафтиш комиссиясининг хулосаси тасдиқлансин.

**6. Кун тартибидаги “Ангрен логистика маркази” АЖнинг 2020 йил учун йиллик молиявий аҳволи тўғрисидаги ҳисоботни, жамиятнинг фойда ва зарарини, бухгалтерия балансини тасдиқлаш тўғрисида”ги олтинчи масала** юзасидан:

Ушбу қарор учун овоз берилди:
Розилар – 3 375 881 та овоз, 100%
Қаршилар – йўқ
Бетарафлар –йўқ

Қарор қилинди: “Ангрен логистика маркази” АЖнинг 2020 йил учун йиллик молиявий аҳволи тўғрисидаги ҳисоботи, жамиятнинг фойда ва зарари, бухгалтерия баланси тасдиқлансин.

**7. Кун тартибидаги “Ангрен логистика маркази” АЖнинг 2020 йил учун соф фойдасини тақсимлаш тўғрисида”ги еттинчи масала** юзасидан:

Ушбу қарор учун овоз берилди:
Розилар – 3 375 881 та овоз, 100%
Қаршилар – йўқ
Бетарафлар –йўқ

Қарор қилинди: “Ангрен логистика маркази” АЖнинг 2020 йилдаги молиявий-хўжалик фаолияти якунлари бўйича 78 100 минг сўм соф фойдаси қуйидагича тақсимлансин:

- соф фойданинг 5 фоизини ташкил қилган 3 905 минг сўмлик қисмини “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 32-моддасига асосан жамиятнинг захира фондига ўтказиш;
- соф фойданинг 95 фоизини ташкил қилган 74 195 минг сўмлик қисмини жамиятнинг молиявий ночор аҳволдалигини ҳисобга олиб уни ривожлантиришга йўналтириш.

**8. Кун тартибидаги 2020 йил учун корпоратив бошқарув тизимини баҳолаш натижалари ва корпоратив бошқарув кодекси талаблари ижроси тўғрисидаги ҳисоботни тасдиқлаш тўғрисида”ги саккизинчи масала** юзасидан

Ушбу қарор учун овоз берилди:
Розилар – 3 375 881 та овоз, 100%
Қаршилар – йўқ
Бетарафлар –йўқ

Қарор қилинди: “Ангрен логистика маркази” АЖнинг корпоратив бошқарув тизимини баҳолаш натижалари ва корпоратив бошқарув кодекси талаблари ижроси паст даражада деб баҳолансин.

**9. Кун тартибидаги “Ангрен логистика маркази” АЖ кузатув кенгашининг янги таркибини сайлаш тўғрисида”ги тўққизинчи масала** юзасидан:

| | | |
|---|---|---|
| Овоз берилди | Раматов Ачилбой Жуманиязович | - |
| Овоз берилди | Кучкаров Джамшид Анварович | - |
| Овоз берилди | Султанов Дилшод Шухратович | - |
| Овоз берилди | Умурзаков Сардор Уктамович | - |
| Овоз берилди | Махкамов Илхом Рустамович | - |
| Овоз берилди | Хасилов Хуснутдин Нуритдинович | - |
| Овоз берилди | Файзиев Зафар Омонович | - |
| Овоз берилди | Мирзамахмудов Журабек | - |

| | | |
|---|---|---|
| | Турсунпулатович | |
| Овоз берилди | Хайдаров Илхом Уткурович | - |
| Овоз берилди | Маҳмудов Шукурулло Насимхонович | - |
| Овоз берилди | Абдувалиев Абдурахмон Абдулхаевич | - |
| Овоз берилди | Таджиев Сардор Убайдуллаевич | 14 487 881 та овоз |
| Овоз берилди | Турсунов Жамшид Юнусович | - |
| Овоз берилди | Икрамов Азизбек Исроилович | - |
| Овоз берилди | Абдуллаев Мехриддин Раззокович | - |
| Овоз берилди | Исмаилов Акрамжон Базарбаевич | 1 523 881 та овоз |
| Овоз берилди | Галстян Артур Артурович | 1 523 881 та овоз |
| Овоз берилди | Азимов Олимжон Нуъмонжон ўғли | 1 523 881 та овоз |
| Овоз берилди | Тоирбеков Камол Қилизбекович | - |
| Овоз берилди | Шарипов Зафар Зариф ўғли | 1 523 881 та овоз |
| Овоз берилди | Хайдаров Алишер Юсуфжонович | 1 523 881 та овоз |
| Овоз берилди | Жуланов Камол Жуланович | 1 523 881 та овоз |

Қарор қилинди: "Ангрен логистика маркази" АЖ кузатув кенгашининг қуйидаги таркиби бир йил муддатга сайлансин:

| | | |
|---|---|---|
| Овоз берилди | Таджиев Сардор Убайдуллаевич | 14 487 881 та овоз |
| Овоз берилди | Исмаилов Акрамжон Базарбаевич | 1 523 881 та овоз |
| Овоз берилди | Галстян Артур Артурович | 1 523 881 та овоз |
| Овоз берилди | Азимов Олимжон Нуъмонжон ўғли | 1 523 881 та овоз |
| Овоз берилди | Шарипов Зафар Зариф ўғли | 1 523 881 та овоз |
| Овоз берилди | Хайдаров Алишер Юсуфжонович | 1 523 881 та овоз |
| Овоз берилди | Жуланов Камол Жуланович | 1 523 881 та овоз |

**10. Кун тартибидаги "Ангрен логистика маркази" АЖ тафтиш комиссиясининг янги таркибини сайлаш тўғрисида"ги ўнинчи масала** юзасидан:

**1. Сайфуллаев Фаррух Саъдулла ўғли**

Ушбу қарор учун овоз берилди:
Розилар – 3 375 881 та овоз, 100%
Қаршилар – йўқ
Бетарафлар –йўқ

**2. Алиев Муҳаммад Давлатбек ўғли**

Ушбу қарор учун овоз берилди:
Розилар – 3 375 881 та овоз, 100%
Қаршилар – йўқ
Бетарафлар –йўқ

**3. Нурбоев Улуғбек Тоштемирович**

Ушбу қарор учун овоз берилди:
Розилар – 3 375 881 та овоз, 100%
Қаршилар – йўқ
Бетарафлар –йўқ
Қарор қилинди: Тафтиш комиссиясининг юқорида кўрсатилган таркиби бир йил муддатга сайлансин.

**11. Кун тартибидаги Халқаро молиявий ҳисобот стандартларига мувофиқ мажбурий аудит текшируви ўтказиш учун аудиторлик ташкилотини ва унинг хизматларини молиялаштириш миқдорини белгилаш тўғрисида" ги ўн биринчи масала** юзасидан:

Ушбу қарор учун овоз берилди:
Розилар – 3 375 881 та овоз, 100%
Қаршилар – йўқ
Бетарафлар –йўқ

Қарор қилинди: "Ангрен логистика маркази" АЖнинг 2021 йилдаги фаолияти юзасидан халқаро молиявий ҳисобот стандартларига мувофиқ мажбурий аудит текширувини ўтказиш учун "Audit-Varn" МЧЖ аудиторлик ташкилоти танлансин, контракт суммаси 6 325 000 сўм қилиб белгилансин.

**12. Кун тартибидаги "Ангрен логистика маркази" АЖ Бош директори билан тузилган меҳнат шартномаси муддатини акциядорларнинг 2021 йил якунлари бўйича ўтказиладиган навбатдаги йиллик умумий йиғилиш кунига қадар узайтириш тўғрисида"ги ўн иккинчи масала** юзасидан:

Ушбу қарор учун овоз берилди:
Розилар – 3 375 881 та овоз, 100%
Қаршилар – йўқ
Бетарафлар –йўқ

Қарор қилинди: "Ангрен логистика маркази" АЖ Бош директори Б.Т.Абдураимов билан тузилган меҳнат шартномаси 2021 йил якунлари бўйича ўтказиладиган акциядорларнинг навбатдаги йиллик умумий йиғилиши кунига қадар, лекин бир йилдан ошмаган муддатга узайтирилсин, унинг ойлик иш ҳақи 6 650 514,31 сўм қилиб белгилансин.

**13. Кун тартибидаги Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 4 майдаги 266-сонли "Давлат иштирокидаги корхоналарнинг активларидан самарали фойдаланишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарорини ижросини ташкиллаштириш ҳақида"ги ўн учинчи масала** юзасидан

Ушбу қарор учун овоз берилди:
Розилар – 3 375 881 та овоз, 100%

Қаршилар – йўқ
Бетарафлар –йўқ

Қарор қилинди:

1. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 4 майдаги 266-сонли "Давлат иштирокидаги корхоналарнинг активларидан самарали фойдаланишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарорини ижро учун қабул қилинсин.

2. "Ангрен логистика маркази" АЖнинг "Махсусюктранс" МЧЖни "Махсус юк терминали" участкаси Мажбурий ижро бюроси Ангрен шаҳар бўлимининг 2018 йил 15 ноябрдаги 10-26925-6/18-сонли қарорига асосан "MASTER ESTIMATION" МЧЖ томонидан 2018 йил 9 ноябрда бозор баҳосида баҳоланиб, "E-IJRO AUKSION" оператори томонидан аукцион савдосига чиқарилганлиги, 2019 йил 16 июль куни "E-IJRO AUKSION" оператори, "Электрон онлайн аукционларни ташкил этиш маркази" ДУК томонидан 0086685 лот бўйича "INTISOAR NEAR" МЧЖга 20 226 287 000 сўмга сотилганлиги ва "INTISOAR NEAR" МЧЖга 2019 йил 12 декабрь куни кадастр ҳужжатлари ва эгалик қилиш ҳуқуқи расмийлаштириб берилганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

3. Ўзбекистон Республикаси Давлат активларини бошқариш агентлигига "Ангрен логистика маркази" АЖнинг "Махсусюктранс" МЧЖни Транзит юк терминали участкасида жойлашган ошхона биноси ва контейнерли юкларни ортиб-тушириш майдонидаги объектларини белгиланган тартибда топширилсин.

4. Қарорнинг 1-иловасига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Давлат активларини бошқариш агентлигига ўтказилган объектларни сақлаш харажатлари улар сотилгунига қадар объектни топширган балансда сақловчи "Ангрен логистика маркази" АЖнинг "Махсусюктранс" МЧЖ томонидан амалга оширилсин.

5. "Махсусюктранс" МЧЖнинг устав фондидаги "Ангрен логистика маркази" АЖнинг улишини Ўзбекистон Республикаси Давлат активларини бошқариш агентлигига давлат мулки сифатида топширилган объектларнинг баланс қийматига камайтирилсин. Бунда сотилган қиймат баланс қийматидан юқори бўлган тақдирда "Ангрен логистика маркази" АЖнинг улишини баланс қиймати миқдорига камайтирилиши инобатга олинсин.

6. Қарорнинг 1-иловасида қайд этилган контейнерли юкларни ортиб-тушириш майдони ва ошхона биносини белгиланган тартибда "Махсусюктранс" МЧЖнинг устав фондидаги "Ангрен логистика маркази" АЖнинг улишини камайтириш ҳисобига Ўзбекистон Республикаси Давлат активларини бошқариш агентлигига давлат мулки сифатида ўтказилганлиги муносабати билан "Ангрен логистика маркази" АЖнинг устав фондидаги давлат ва хўжалик жамияти улушларини баланс қиймати миқдорига камайтириш, уларга тегишли акцияларни баланс қийматида айрбошлаш чораси кўрилсин.

Кун тартибига киритилган масалалар тўлиқ кўриб чиқилганлиги муносабати билан йиғилиш якунланди.

**Йиғилиш раиси** **А.Ж.Раматов**

**Йиғилиш котиби** **Т.А.Шодиева**

**Баённома имзоланган сана:** 2021 йил 10 июль